

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ПАЛВАНОВ УКТАМ БАЗАРБАЕВИЧ

**САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

Палванов Уктам Базарбаевич
Саъдуддин Тафтазонийнинг Темурийлар даври мотуридия таълимоти
ривожига қўшган ҳиссаси 5

Palvanov Uktam Bazarbayevich
The contribution of Sa‘d al-Dīn Taftāzānī to the development of the teachings
of māturīdī of the Timurid epoch 27

Палванов Уктам Базарбаевич
Вклад Саъдуддина Тафтазани в развитие учения матуриды в эпоху
Тимуридов 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 52

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ПАЛВАНОВ УКТАМ БАЗАРБАЕВИЧ

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Таг262. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.iiu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исломов Захид Махмудович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Останакулов Икромитдин
тарих фанлари доктори, доцент

Зиёдов Шовосил Юнусович
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Таг/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ соат ____ даги БИММ платформасидаги онлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация автореферати 202__ йил “____” _____да тарқатилди.

(202__ йил “____” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, тарих фанлари доктори, доцент

Н.Ғ.Низомиддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли минтақаларида ўрта асрларда ёзилган манбалар орасида ислом динини рационал, тўғри тушуниш ва англашда мотуридия таълимотига оид асарлар муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Марказий Осиё, Жанубий Осиё, Кичик Осиё минтақалари аҳолисининг катта қисми, араб дунёсининг бешдан бир қисми мазкур таълимот давомчилари саналади. Улар бир неча асрлардан бери диний-эътиқодий қарашларини ушбу таълимот негизида шакллантирган. Минтақа халқларининг асосий ақидаси саналган мотуридия таълимотини чуқур ўрганиш, манбаларини тадқиқ қилиш орқали унинг минг йилдан зиёд давр мобайнида турли оқим ва тоифаларга қарши ғоявий асос эканини очиқ бериш муҳим ҳисобланади.

Мотуридия таълимоти ривожда Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда яшаган олим Саъдуддин Тафтазоний (722-792/1322-1390) нинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлган. Унинг ушбу таълимотга оид асарлари қарийб беш аср мобайнида Усмонли империяси, Бобурийлар давлати, Мовароуннаҳр ва унга қўшни ўлкалардаги мадрасаларда асосий дарслик сифатида ўқитилган. Ушбу асарларга ўтган давр мобайнида машҳур олимлар томонидан 200 дан ортиқ шарҳ, хошиялар ёзилгани уларнинг катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Мотуридия таълимоти нафақат мусулмон мамлакатлари, балки АҚШ, Буюк Британия, Германия каби Ғарб давлатларидаги исломшунослик илмий тадқиқот марказларида ҳам ўрганилган. Аммо, соҳага оид олим асарларининг таълим дастуридаги аҳамияти ва калом илмига қўшган ҳиссаси ҳалигача яхлит ўрганилмаган. Алломанинг илмий меросини тадқиқ қилиш билан “имон” (الإيمان), “халифалик” (الخلافة) ва “куфр” (الكفر) каби глобал даражадаги долзарб масалалар аслиятига аниқлик киритилиб, бугунги кунда адашган тоифаларнинг талқинига илмий асосда жавоб беришда амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда исломшунослик, жумладан, ислом манбашунослиги ва таълимотини илмий асосда ўрганиш тобора ривожланиб бормоқда. Шунга қарамай, яна бир қатор илмий изланишларни амалга ошириш, мотуридия таълимотига оид бирламчи манбаларни ўрганиш ҳозирги даврнинг муҳим тадқиқотларидан саналади. Чунки, “... Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу, ўз навбатида, ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда”¹. Шундай экан, мотуридия таълимотининг машҳур давомчиларидан бири саналган Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти, илмий меросини тадқиқ қилиш Темурийлар ва ундан кейинги даврларда

¹ Мирзиёев Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл / Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. Расмий сайт. URL: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016> (мурожаат санаси: 14.02.2020).

мазкур таълимотнинг тадрижий бошқичлари борасида тўлиқ асосли хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июндаги 519-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг кутубхона фондиди хорижий адабиётлар билан бойитиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мутафаккирларидан Такиййуддин Аҳмад Макризий (766-845/1365-1442), Шихобуддин Аҳмад Асқалоний (773-852/1371-1449), Жамолуддин Юсуф ибн Туғро Барда (ваф. 874/1470), Шамсуддин Муҳаммад Саховий (831-902/1428-1497), Жалолуддин Суютий (849-911/1445-1505), Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода (901-968/1495-1561), Такиййуддин Тамимий (ваф. 1005/1596-1597), Ҳожи Халифа (1017-1068/1608-1657), Шихабуддин Абдулхай Димашқий (1032-1089/1623-1678), Шамсуддин Муҳаммад Шавконий (1172-1255/1759-1839), Муҳаммад Абдулхай Лакнавий (1264-1304/1847-1889), Исмоил Пошо Бағдодий (ваф. 1339/1920), Хайруддин Зириклий (1310-1396/1893-1976) қабила ўзларининг табақот ва тарожим жанридаги асарларида Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳақида қисқача маълумот берганлар².

² Такиййуддин Аҳмад ибн Али Макризий. Дурар ал-Уқуд ал-Фарида. – Байрут: Дор ал-Фарб ал-исломий, 2002. – Ж. III; Шихобуддин Аҳмад ибн Али Асқалоний. Ибна ал-ғумр би абна ал-умр. – Қоҳира: Дор ат-Таовун, 1969. – Ж. I; Шихобуддин Аҳмад ибн Али Асқалоний. Ад-Дурар ал-Комина. – Байрут: Дор ал-жийл, 1993. – Ж. IV; Жамолуддин Юсуф ибн Туғро Барда. Ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоик ал-қавмия, 2005. – Ж. XI; Жамолуддин Юсуф ибн Туғро Барда. Ад-Далил аш-шофий ала ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонижий, 1955. – Ж. II; Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Саховий. Вазиз ал-калом. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1995. – Ж. I; Жалолуддин Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Суютий. Бугъат ал-вуот фий табақот ал-луғавийин ва-н-нуҳот. – Байрут: Дор ал-фикр, 1399/1979; Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа Тошкўпризода. Аш-Шақоик ан-нуъмания. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1975 (бундан кейин: Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода. Аш-Шақоик ан-нуъмания); Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975 (бундан кейин: Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода); Такиййуддин ибн Абдулқодир Тамимий Ҳанафий. Ат-Табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия. – ар-Риёд: Дор ар-Рифоий, 1989. – Ж. I; Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллох. Кашф аз-зунун. – Байрут: Дор Ихя ат-турос ал-арабий, 2001; Шихабуддин Абдулхай ибн Аҳмад Димашқий. Шазарот аз-Заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Дор ибн Касир, 1986. – Ж. VIII; Муҳаммад ибн Али Шавконий. Ал-Бадр ат-толий. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исломий, 1997. – Ж. II; Муҳаммад Адулхай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахия фи тарожим ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-Арқам ибн Аби ал-Арқам, 1998; Исмоил Пошо Бағдодий. Изох ал-макнун. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1947. – Ж. I; Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадия ал-

Замонавий араб олимларидан Абдурахмон Умайра, Доктор Иброҳим Шамсуддин алломанинг “Шарҳ ал-Мақосид” асари матнини таҳқиқ қилган. Шунингдек, Зиёуддин Қолиш ва Ҳасан ибн Саъид Фифий олимнинг балоғат илмига оид асарини тадқиқ қилган бўлса, Абдулфаттоҳ Исо Барбарий “Ҳошия ало ал-Кашшоф” асари бўйича докторлик иши ёқлаган. Бундан ташқари, туркиялик Сўнмес Қутлу, Мусо Шамил Юксел ва япониялик Тосихико Идзуцу каби исломшунос олимлар ҳам ўз тадқиқотларида аллома ёзма мероси борасида умумий тадқиқот олиб борган³.

Европа ва россиялик шарқшунос тадқиқотчилардан Р.Сайфуллина Саъдуддин Тафтазонийнинг фалсафий қарашлари тўғрисида ва В.Маделунг аллома фаолиятига оид илмий мақолалар ёзган бўлсалар, К.Джиллиот мотуридия таълимоти ҳақида илмий тадқиқотлар қилган. Э.Эльдер “Шарҳ ал-Ақоид” асарини инглиз тилига таржима қилган⁴.

Ўзбекистонлик олимлар ва тадқиқотчилардан ўз тадқиқот ҳамда монографияларида Саъдуддин Тафтазоний шахсияти, илмий меросига мурожаат қилганлар қаторида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, У.Уватов, Д.Юсупова, Ҳ.Аминов, Ш.Зиёдов, С.Оқилов, М.Қодиров, Н.Насруллаев, Ҳ.Сағдиев, А.Аллоқулов кабиларни келтириш мумкин⁵. Лекин

орифин. – Истанбул: Миллий эйитим басимеви, 1951. – Ж. II; Хайруддин Зириклий. Ал-Аълум. VIII жилдли. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малойин, 1998 (бундан кейин: Хайруддин Зириклий. Ал-Аълум).

³ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. V жилдли / Тахрир ва таълиқлар муаллифи: Доктор Абдурахмон Умайра. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1998 (бундан кейин: Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид); Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. III жилдли / Шарҳ ва хошиялар муаллифи Доктор Иброҳим Шамсуддин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001; Зиёуддин Қолиш. Ат-Тафтазоний ва ароуху-л-балоғия. – Байрут: Дор ан-наводир, 2010. – 544 б; Ҳасан ибн Саъид ибн Яхё Фифий. Ал-Масаил ал-усулия ал-мутааллақа би-л-балоғат ал-арабия фи кутуб ат-Тафтазоний. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2019. – 360 б.; Абдулфаттоҳ Исо Барбарий. Таҳқиқ ал-жуз ал-аввал мин Ҳошия ал-Аллома Саъд ат-Тафтазоний ало ал-Кашшоф ли аз-Замахшарий. – Қоҳира: Мактаба куллият ал-луғат ал-арабия, 1978. – 1132 б.; Musa Şamil Yüksel. Timurlularda din-devlet ilişkisi. – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2009. – 252 s; Toshihiko Izutsu. The Concept of Belief in Islamic Theology. – Petaling Jaya: Islamic Book Trust, 2006. – 319 p.

⁴ Сайфуллина Р.Р. Арабская книга в духовной культуре татарского народа. – Казань: “Алма-Лит”, 2003. – 214 с; Исламоведческие исследования в современной России и СНГ: достижения, проблемы, перспективы: материалы I международного научно-практического симпозиума (19-20 февраля 2009 г.): в 2 томах. – Том II / Под ред. Б.М. Ягудина. – Казань: «Intelpress+», 2009. – 306 с.; Madelung W. al-Taftāzānī // Encyclopaedia of Islam (Second Edition). – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – V. IV. – P. II. – 117-131 p.; Gilliot C. Theology // History of civilization of Central Asia. – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – V. IV. – P. II. – 117-131 p.; Elder E.E. A Commentary on the Creed of Islam: Sa‘d Al-Dīn Al-Taftāzānī on the Creed of Najm Al-Dīn Al-Nasafi. – New York: Columbia University Press, 1950. – 218 p.

⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усул ал-фикҳ. – Т.: Шарқ, 2010. – 576 б; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ақоид илмлари ва унга боғлиқ масалалар. – Т.: Шарқ, 2010. – 352 б; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Шарқ, 2011. – 280 б; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. – Т.: Nilol-Nashr, 2014. – 112 б; Абулаббос Шихобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад Димашкий. Ажойб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: ф.ф.н. У.Уватов. – Т.: Мехнат, 1992. – Ж. I. – 326 б; Абулаббос Шихобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад Димашкий. Ажойб ал-мақдур фи тарих Таймур / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: У.Уватов. – Т.: F.Ғулом, 1992. – Ж. II. – 191 б; Юсупова Д. К вопросу о творческой деятельности ученого-энциклопедиста Са‘д ад-Дина ат-Тафтазани // “Шарқшунослик” илмий тўплами: № 13. – Тошкент, 2008. – Б. 69-76; Абу Ҳафс Насафий. Таҳсил усул ал-фикҳ // Ҳ.Аминов, С. Муҳаммадаминов таҳқиқи ва таржимаси. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2015. – 208 б; Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари / Ўқув кўлланма. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – 400 б; Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. – Т.: Фан, 2009. – 140 б; Оқилов С. Абул Муъин ан-Насафий ва унинг калом илми ривожига кўшган хиссаси (Табсирату-л-адилла мисолида). Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006; Оқилов С. Абу Мансур Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Nilol-Nashr, 2020. – 376 б; Қодиров М. Тафтазоний // Маънавият юлдузлари. – Т.: Ўзбекистон миллий

шунга қарамай, Саъдуддин Тафтазоний ва унинг бой илмий-маънавий мероси бўйича амалга оширилган ишлар етарли даражада эмас. Яъни, юқоридаги ишларнинг аксари аллома ҳақидаги муайян мақолалар ва умумий биографик маълумотлардан иборат. Шунингдек, мазкур тадқиқотларнинг ақоид илмига оидларидан иккитаси “Шарҳ ал-Мақосид” асари матнининг таҳқиқига бағишланган. Алломанинг мотуридия таълимотига қўшган ҳиссаси ва калом илмига оид илмий меросининг аҳамияти яхлит ҳолда хануз тўлиқ ёритилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Аҳли сунна эътиқод тамойилларига мос бўлган ақоид (илоҳиёт) матнларининг ўзаро қиёсий таҳлили ва замонавий-мафкуравий аҳамияти” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Саъдуддин Тафтазонийнинг Темурийлар давридаги мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссасини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темурийлар даври Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий, маънавий муҳитини ўрганиш;

мотуридия таълимотининг ҳолати ва маҳаллий олимларнинг мавзу доирасидаги илмий меросини тадқиқ этиш;

Саъдуддин Тафтазоний илмий меросини тадқиқ қилиш орқали унинг ислом илмлари ривожигаги мавқеини аниқлаш;

олимнинг калом илмига оид асарлари қўлёзмаларини кодикологик таҳлил қилиш;

алломанинг “Шарҳ ал-Ақоид ан-насафия” (бундан кейин: “Шарҳ ал-Ақоид”), “Мақосид ат-толибин фи усул ад-дин” (бундан кейин: “Мақосид ат-толибин”), “Шарҳ ал-Мақосид”, “Ғояту таҳзиб ал-калом фи таҳрир ал-мантик ва-л-калом” (бундан кейин: “Ғояту таҳзиб ал-калом”)га ёзилган шарҳ, ҳошия, таълиқларни аниқлаш;

олимнинг ақидавий масалаларни таснифлаш, далиллаш услубини тадқиқ этиш;

“имон” мавзусининг аллома талқинидаги таҳлилин қиёсий ўрганиш орқали мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

энциклопедияси, 2011. – Б. 178-181; Насруллаев Н. Лутфуллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари ва унга ёзилган шарҳ, хошиялар талқини. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012. – 172 б; Насруллаев А. Аллома Тафтазонийнинг “Фикҳи Кайдоний”га ёзган шарҳи // “Диншунослик фанининг методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференцияси. 6-тўплам. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. –Б. 313-316; Сағдиев Ҳ. Абу Жаъфар Таҳовий илмий мероси ва унинг “Ақида” асари / Монография. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2017. – 192 б; Аллоқулов А. “Ақоиду-н-насафий” ва унга ёзилган шарҳлар // Имом Бухорий сабоқлари: № 2. – Тошкент: 2009. – Б. 156-158; Аллоқулов А. Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 153 б.

Саъдуддин Тафтазоний қарашларининг кейинги давр олимлари фаолиятига таъсирини ёритиш орқали унинг ўрни ва бугунги кундаги аҳамиятини аниқлаб, хулоса ва таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объектини Темурийлар давридаги мотуридия таълимоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Саъдуддин Тафтазонийнинг калом илмига оид асарларининг қўлёзма нусхалари ҳамда ақидавий қарашларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни тайёрлашда қиёслаш, таҳлил қилиш, тавсифлаш ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди. Исломунослик бўйича олиб борилаётган изланишларга қўйилган тамойиллар – илмийлик, тарихийлик, диний бағрикенглик, холислик, ислом динига ҳурмат билан ёндашиш ҳамда диний мутаассибликка мурасасизлик каби тадқиқот усулларига асосланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мотуридия таълимоти ўз даврида “асос солиниш”, “шаклланиш”, “ривожланиш”, “кенг ёйилиш” тадрижий босқичларни босиб ўтганлиги ва тўртинчи – “кенг ёйилиш” босқичида Саъдуддин Тафтазонийнинг ақидавий асарлари муҳим омил бўлгани аниқланган ҳамда аллома асарлари Усмонли империяси шайхулисоми Шамсуддин Муҳаммад ибн Ҳамза Фанорий Ҳанафий (751-834/1350-1431) орқали мамлакат ҳудудига ҳам кенг тарқалгани, расмий таълим даргоҳларида асосий дарслик сифатида ўқитилгани исботлаб берилган;

аллома “меърож” (Пайғамбар с.а.в.нинг осмонга чиқишлари) мавзуси доирасида ҳамма жисмлар таркибий тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиши, бошқа жисмлар осмонга кўтарилгани сингари инсон ҳам самога чиқа олиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлари билан замонавий астрофизика, кимё фанларига оид илмий-назарий гипотезаларни илгари сургани ҳамда аниқ ва табиий фанларга тааллуқли қонуниятларни мотуридия таълимотида ҳам қўллагани исботланган;

Саъдуддин Тафтазоний китоблари билан Имом Абу Мансур Мотуридий (243-332/857-944)нинг “Китоб ат-Тавҳид” асари қиёсланганда “Китоб ат-Тавҳид”да ёритилган “имоннинг таърифи”, “имоннинг рукнлари”, “имон ва ислом тушунчалари”, “имонда истисно”, “имоннинг яратилган ёки яратилмаганлиги” сингари жами 5 та масалага қўшимча равишда, олим “ижмолий ва тафсилий имон”, “тақлидий ва таҳқиқий имон”, “имоннинг кўпайиши ёки кўпаймаслиги”, “оддий инсонлар имони билан пайғамбарларнинг имони тенг ёки тенг эмаслиги” каби 4 та масалани киритиб, уларнинг сонини 9 тага етказгани ҳамда мантиқий изчилликда таснифлагани очиб берилган;

Саъдуддин Тафтазоний ҳанафий-мотуридий олими бўлишига қарамасдан, шофий, моликий, ҳанбалий мазҳаблари учун ҳам бирдек аҳамиятли эканлиги VIII-IX/XIV-XV асрларда яшаган Зайнуддин Қосим ибн Қутлубғо Ҳанафий (802-879/1399-1474), Бадруддин Муҳаммад ибн Абу Бакр Моликий (763-827/1362-1424), Жалолуддин Абдурахмон ибн Абу Бакр Суютий Шофий

сингари жаҳонга машҳур 17 та олим ўз фикрларини асослашда аллома қарашларига таянганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий меросини ўрганиш натижасида “ар-Рисола фи таҳқиқ ал-имон”, “Рисолати тажвид” каби асарлар илк бор аниқланган ҳамда “Шарҳ ал-Ақоид”, “Шарҳ ал-Мақосид”, “Ғояту таҳзиб ал-калом” асарига ёзилган шарҳлар, хошияларнинг дунё фондларидаги 10 та ноёб қўлёзма нусхаси, “Шарҳ ал-Мақосид”га таниқли олим Малик Аҳмад Фаруқий (ваф. 1067/1657) томонидан ёзилган нодир хошия қўлёзмаси Кембриждаги Хоутон кутубхонасида № 4156 рақам билан сақланаётгани аниқланган;

аллома ақидавий масалаларни таснифлаш ва далиллаш борасида ўз давригача яшаган олимларнинг фикрларини танқидий таҳлил қилиб, улар асосида ўзига хос методика ишлаб чиққанлиги аниқланган;

олимнинг мотуридия таълимотини услуб, ўз давригача бўлган машҳур олимлар ва оқимларнинг ақидавий масалалар борасидаги фикрларини тадқиқ қилгани, уларга қўшимча далил, изоҳлар қўшиб, мантиқий изчиллик асосида таснифлаш жиҳатидан бойитгани исботланган;

Саъдуддин Тафтазонийнинг мотуридия ва ашъария таълимотлари Аҳл ас-суннадалигини таҳқиқ қилганлиги сабабли унинг илмий мероси ҳанафий, шофий, моликий ҳамда ҳанбалий мазҳаблари учун бирдек аҳамиятли эканлиги очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Ақоид”, “Мақосид ат-толибин”, “Шарҳ ал-Мақосид”, “Ғояту таҳзиб ал-калом” асарлари қўлёзма ҳамда тошбосма нусхалари матнига таянилганлиги, далиллар билан асосланганлиги, замонавий киёсий-тарихий усуллардан фойдаланилганлиги ва олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Саъдуддин Тафтазонийнинг мотуридия таълимотига оид асарлари, қарашлари орқали жаҳонда, айниқса, ёшлар ўртасида ислом дини асосларини тўғри талқин қилиш, англаш, тушуниш янада осонлашиб, ундан методологик ёндашувлар ва соғлом эътиқодни шакллантириш борасида назарий концепцияларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг Ўзбекистонда ёшларнинг диний маданиятини тўғри шакллантириш, глобал тармоқлар орқали ислом ниқоби кўринишида кириб келаётган фундаментализм, экстремизм ва терроризм каби деструктив ғояларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг бажарилишини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот бўйича белгиланган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Мотуридия таълимоти ўз даврида “асос солиниш”, “шаклланиш”, “ривожланиш”, “кенг ёйилиш” тадрижий босқичларни босиб ўтганлиги ва тўртинчи – “кенг ёйилиш” босқичида Саъдуддин Тафтазонийнинг ақидавий асарлари муҳим омил бўлгани ҳақидаги янгиликлар “Мотуридия таълимоти тарихи” номли дарсликда акс этган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2020 йил 13 апрелдаги 2410-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда ислом дини таълимоти борасида тўғри фикр шаклланишига ва деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Саъдуддин Тафтазоний китоблари билан Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-Тавҳид” асари қиёсланганда “Китоб ат-Тавҳид”да ёритилган “имоннинг таърифи”, “имоннинг рукнлари”, “имон ва ислом тушунчалари”, “имонда истисно”, “имоннинг яратилган ёки яратилмаганлиги” сингари 5 та масалага кўшимча равишда, олим “ижмолий ва тафсилий имон”, “тақлидий ва таҳқиқий имон”, “имоннинг кўпайиши ёки кўпаймаслиги”, “оддий инсонлар имони билан пайғамбарларнинг имони тенг ёки тенг эмаслиги” каби 4 та масалани киритиб, уларнинг сонини 9 тага етказгани тўғрисидаги янгиликлар “Калом илми ва ақида мактаблари тарихи” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 23 июндаги 1367-сон маълумотномаси). Натижада, бугунги кунда долзарб баъзи ақидавий масалаларнинг аслияти ва уларга адашган тоифалар томонидан берилган нотўғри талқинни ёритиш имконини берган;

Саъдуддин Тафтазонийнинг бой илмий мероси, хусусан, мотуридия таълимотига оид асарлари борасида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma’rifat” телеканали “Буюк аждодларимиз” рукни остидаги, “Ziyo-media” марказида Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимотига бағишланган телекўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда ҳамда “Маҳалла” радиоканалида Саъдуддин Тафтазоний фаолияти, илмий мероси ҳақидаги махсус эшиттиришда фойдаланилган (“Madaniyat va ma’rifat” телеканалининг 2020 йил 22 июндаги 01-06-83-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатув ва эшиттиришлар фуқароларнинг Саъдуддин Тафтазоний ижодига оид янги илмий маълумотлар билан танишиши, алломанинг жаҳонда мотуридия ривожига алоҳида аҳамият қасб этиши, бу билан кенг жамоатчиликда тарихий билимларнинг ошиши ва уларда миллий ғурур туйғусининг шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 207 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Темурийлар давридаги мотуридия таълимотини ўрганишнинг илмий-назарий асослари”**, деб номланиб, у учта параграфдан иборат. *“Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маънавий муҳити”* номли биринчи параграфда ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий муҳит илмий тадқиқотлар ва тарихий манбалар асосида ёритиб берилган. Ҳар қандай мутафаккирнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда у яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда илмий муҳитга тўхталиб ўтиш муҳим ҳисобланади. Чунки, шахснинг ўз соҳасида олим бўлиб шаклланишида ўша замон муҳити алоҳида аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти ва фаолиятида мазкур жараёнларнинг таъсирини ўрганиш у яшаган даврга тўхталиб ўтишни тақозо этади. Алломанинг илмий-ижодий фаолияти XIV аср – “Иккинчи Шарқ уйғониш” даврига тўғри келади. Айни шу даврда Мовароуннаҳрда катта сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, мўғул босқинчилари зулмига қарши маҳаллий аҳолининг қатъий норозилиги, янги давлат барпо этиш ҳаракатлари кучая бошлаган. Натижада, Соҳибқирон Амир Темур (736-807/1336-1405) бошчилигида минтақада қарийб бир ярим асрлик мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берилиб, 35 йиллик вақт мобайнида янги сулола ҳукмдорлари – Темурийлар (772-907/1370-1501) салтанатига асос солинган.

Амир Темур нафақат буюк саркарда, давлат арбоби, балки ўз даври илм соҳалари бўйича етук олим бўлган. У мамлакатни ривожлантиришда илм-фан ва ислом олимларининг аҳамияти беқиёс эканлигини яхши тушунган. Буни ўзи ҳам: “Салтанатда эришган барча муваффақиятим ва мустаҳкам жойларни фатҳ қилишим – буларнинг барчаси Шайх Шамсуддин Фоҳурий дуоси, Шайх Зайнуддин Хавофий ҳиммати ва Саййид Барака марҳамати шарофатлари ёрдамида бўлди”, деб таъкидлаган эди⁶. Шу туфайли у саройида таниқли мутафаккирларни жамлашга ҳаракат қилган. Жумладан, у ерда фаолият юритган олимлар орасида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдуллоҳ Лисон, Мавлоно Баҳруддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмонуддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Саъдуддин

⁶ Абулаббос Шихобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад Димашқий. Ажоиб ал-мақдур фи тарих Таймур. – Байрут: Муассат ар-рисола, 1986. – Б. 48.

Тафтазоний, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокий ва бошқалар бор эди⁷. Хусусан, у Саъдуддин Тафтазонийни икки марта пойтахтга таклиф қилган. Уларнинг ўз соҳалари билан эркин шуғулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Лекин бу илмий муҳит фаолияти Амир Темур вафоти билан бир муддат сусайган.

Амир Темур вафотидан кейин мамлакатда ўзаро зиддиятлар кучайиб, қарийб беш йил давом этган мамлакатдаги кенг кўламли бошбошдоқлик Шоҳрух Мирзо (778-851/1377-1447) нинг 811/1409 йилда пойтахт Самарқандни эгаллаб, ҳокимият тепасига келиши билан барҳам топа бошлади. У пойтахтга ҳукмдор сифатида ўғли Мирзо Улуғбек (796-853/1394-1449) ни тайинлаб, ўзи Ҳирот томон юзланган. Бир неча йиллик саъй-ҳаракатдан кейин у 820/1420 йилларга келиб, Сурия ва Арабистондан ташқари, Амир Темур меросининг асосий қисмини ўз тасарруфига олган⁸.

Мирзо Улуғбек ҳам ўз давридаги фанлар бўйича олим бўлиб, илм-фан ва олимларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини эътироф этган. Натижада, унинг ҳукмронлик йилларида Самарқандда яна илмий муҳит шакллантирилган. Аммо унинг вафоти билан бу муҳит ҳам пароканда бўлиб, пойтахтдан олимлар бошқа юртларга кўчиб кета бошлаган. Бунга, унинг шогирди Али ибн Муҳаммад Қушчи (805-879/1403-1474) ни мисол сифатида келтириш мумкин.

Темурий ҳукмдорлардан Султон Абу Саъид 855/1451 йили Султон Абдуллоҳни енгиб, бутун Мовароуннаҳрни қўлга олади. У 857/1457 йили Ҳиротни эгаллаб, Хуросон ва Мовароуннаҳрни яна бирлаштиришга муваффақ бўлган. Ҳукмдорнинг ўзи илм-маърифатли, олимларнинг ҳурматини жойига қўядиган шахс бўлган. Бунга, унинг Мозандоронни забт этишдан олдин Сарахсдаги Шайх Абулфазл Ҳасан, Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний, Шайх Луқмон Паранда ва Жавонмард Қассобнинг қабрларини зиёрат қилганлиги ҳам далолат қилади⁹. Дарҳақиқат, Султон Абу Саъид ҳукмронлик даври (855-873/1451-1469)дан кейин яна Мовароуннаҳрда илм-фанга ва олимларга эътибор сусайган. Албатта, бу каби ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўша даврда яшаб фаолият юритган мутафаккирлар ижодига таъсир этган.

Биринчи бобнинг *“Мотуридия таълимотининг ҳолати”*, деб номланган иккинчи параграфида ўша даврда мотуридия таълимотининг ҳолати ўрганилди. Мотуридия таълимотининг Темурийлар давридаги ҳолати ва мавқеини аниқлаш унинг тадрижий босқичларини тадқиқ қилишни тақозо қилади. Жумладан, таниқли француз исломшуноси, профессор К. Джиллиот мотуридия таълимотининг учта ривожланиш босқичини ажратиб, унинг охириги – учинчи босқичи V/XI асрга тўғри келишини айтган¹⁰. Лекин унинг бу ёндашуви таълимот ривожидида муҳим аҳамият касб этган тарихий ҳодиса ва омилларни даврий жиҳатдан тўлиқ қамраб олмаган. Бинобарин, ушбу таълимот тарихини батафсил илмий ўрганиш натижасида, биринчидан,

⁷ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осий тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993. – Б. 23.

⁸ Муҳаммаджанов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 66.

⁹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: Ўринбаев А. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Ж. II. – Б. 494.

¹⁰ C. Gilliot. Theology // History of civilization of Central Asia. – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – V. IV. – P. II. – P. 127.

мотуридийлик мактаби бирмунча кенгроқ вақтни қамраб олганлиги ва иккинчидан, у тўртта тадрижий босқични босиб ўтганлиги маълум бўлди. Машхур муаррих Валийуддин Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Хадрабий (732-808/1332-1406) “Ал-Муқаддима” асарида ашъарийлик таълимоти ривожда муайян олимларнинг фаолиятини асос сифатида белгилаган¹¹. Бу ўринда, мотуридия таълимотини даврлаштиришда ҳам мазкур мутафаккирнинг ёндашуви, яъни олимларнинг ҳиссаси бирламчи белги, тарихий воқеалар эса, кўшимча омил сифатида асос қилиб олинди.

Тадрижий босқичларнинг дастлабки иккитаси – “асос солиниш” ва “шаклланиш”нинг вақт қамрови Абу Мансур Мотуридий ва унинг шогирдлари яшаган муддат билан қайдланди. Хусусан, имомнинг шогирдларидан энг охирги вафот этгани – Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо Паздавий (ваф. 390/1000) бўлиб, шунга мувофиқ, бу босқич 332-390/944-1000 йиллар оралиғи дея белгиланди. Таълимотнинг “ривожланиш” босқичи 391-750/1001-1349 йиллар ва “кенг ёйилиш” босқичи 751/1350 йиллар қилиб белгиланди. Охирги иккита босқични даврлаштириш нисбий хусусиятга эга бўлиб, муҳим тарихий воқеалар ва мактаб вакиллари томонидан асарларнинг ёзилиши ҳамда таълимотнинг географик тарқалиш хусусиятларига таянган ҳолда амалга оширилди.

Таълимотнинг “Кенг ёйилиш босқичи (750/1350 йилдан кейин)”нинг алоҳида хусусиятлари сифатида унинг давлат даражасига кўтарилиб, таълим тизимига тўлиқ кириб боргани ва дунёнинг турли ҳудудларида “мотуридийлик калом мактаб”лари ташкил этилгани кўринади. Шунингдек, ханафий-мотуридий олимлар томонидан адашган оқимларга раддия асарлар ёзилган. Энг муҳими, мотуридийлик ва ашъарийлик ҳам Аҳл ас-суннадан эканлиги икки таълимот тарафдорлари томонидан бирдек эътироф этилиб, улар ўртасидаги ихтилофли масалалар қиёсан таҳқиқий ўрганилганлигини ҳам айтиш мумкин. Бу босқичда мотуридия таълимоти иккинчи бор давлат даражасига кўтарилган. Бинобарин, таълимотнинг дастлабки ва ушбу иккинчи маротаба давлат даражасига кўтарилиши ўртасида бирмунча фарқ бор. Яъни дастлабки кўтарилишда алоҳида ҳукмдорлар шу мазҳабга эргашган бўлсалар, мазкур иккинчи кўтарилишда бутун бошли ҳукмдор сулола вакиллари бу мазҳабда бўлганлар. Албатта, бу таълимот тарихидаги энг катта тарихий ҳодиса ҳисобланади. Хусусан, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғит, Қўнғирот, Минглар сулолаларининг бошқарувлари мобайнида ҳам ханафийлик мазҳаби давлат даражасида бўлган.

Усмонли империяси (698-1342/1299-1924) бу борада муҳим роль ўйнаган бўлиб, ҳукмдорларининг ўзлари ханафий-мотуридий мазҳабида эдилар¹². Империя ҳудудида мотуридия таълимотининг алоҳида мактаби шаклланишида Саъдуддин Тафтазонийнинг ўрни катта бўлган. Чунончи, Усмонли империяси тарихида таъсис этилган “Шайхулислом” лавозимида,

¹¹ Валийуддин Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Хадрабий. Муқаддима Ибн Халдун. – Дамашк: Дор Яъруб, 2004. – Ж. II. – 212-214.

¹² Öztuna Y. Osmanlı devleti tarihi: – İstanbul: Ötüken Neşriyat, 1986. – С. II. – S.140.

дастлаб, Шамсуддин Муҳаммад ибн Ҳамза Фанорий Румий Ҳанафий (751-834/1350-1431)¹³ тайинланган¹⁴. Зотан, у ҳанафий-мотуридий олими бўлиб, айни пайтда, Саъдуддин Тафтазоний китобларидан нусхалар кўчириш билан ҳам шуғулланган эди¹⁵. Натижада, империянинг марказий ҳудудида, бир жиҳатдан мотуридийлик мактаби шаклланган бўлса, иккинчи томондан, Саъдуддин Тафтазоний асарлари империя ҳудудидаги Султония каби давлат мадрасаларига асосий дарслик сифатида жорий этилиб, кенг тарқалган. Ушбу минтақа олимлари томонидан аллома илмий меросига асрлар давомида алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг китобларига шарҳ, ҳошия ва таълиқлар ёзилганлиги бунга ёрқин далил ҳисобланади. Дарвоқе, таниқли француз исломшуноси, профессор К. Джиллиот ҳам мотуридия таълимотининг кенг ёйилишида алломанинг “Шарҳ ал-Ақоид” асари муҳим ўрин тутганлигини таъкидлаб ўтган бўлса¹⁶, машҳур немис исломшуноси профессор В. Маделунг “Мотуридия” номини Саъдуддин Тафтазоний танитганлигини айтган¹⁷.

Бобурийлар сулоласи (932-1274/1526-1858) нинг ташкил топиши натижасида Ҳиндистонда ҳанафий-мотуридий мазҳаби расман давлат даражасига кўтарилиб, алоҳида мотуридийлик мактаби шаклланган. Чунончи, “Шарҳ ал-Ақоид ансафия”нинг машҳур ва кенг тарқалган ҳошияларидан бирининг муаллифи Абдулҳаким ибн Муҳаммад Сиялкутий (968-1067/1561-1656) бўлиб, у ҳанафий-мотуридий олими ва айни пайтда, сулоланинг таниқли ҳукмдори Шоҳ Жаҳон (1038-1068/1628-1658)нинг маслаҳатчиси ҳам эди¹⁸.

Бу даврда мотуридия ва ашъария таълимотларини танқидий ўрганган олимга мисол қилиб, Саъдуддин Тафтазонийни келтириш мумкин. Аллома “Шарҳ ал-Мақосид” номли китобида мазкур таълимотлар ўртасида баъзи бир масалалар борасида ихтилофлар бўлишига қарамасдан, ҳар иккаласи ҳам Аҳл ас-суннадалигини алоҳида таъкидлаган¹⁹. “Шарҳ ал-Мақосид” бу борадаги дастлабки ва шу пайтгача ягона манба ҳисобланади. Шу туфайли ҳам асар икки мактаб вакиллари учун бирдек муҳим манба ҳисобланиб, ундан унумли фойдаланиб келинади. Китобнинг ўзига хослиги – унга шарҳ ёзган Малик Аҳмад ибн Абдулмалик Пир Муҳаммад Фаруқий (ваф. 1067/1657) каби олимлар томонидан алоҳида таъкидланган²⁰.

Биринчи бобнинг “*Мовароуннаҳрлик олимларнинг мотуридия таълимотига оид асарлари таҳлили*”, деб номланган учинчи параграфида VIII-IX/XIV-XV асрларда ижод қилган мовароуннаҳрлик олимларнинг

¹³ Хайруддин Зириклий. Ал-Аълум. – Ж. VI. – Б. 110.

¹⁴ A'goston G., Masters B. Encyclopedia of the Ottoman Empire. – New York: Facts on File, 2008. – P. 524-525.

¹⁵ Исомулдин Аҳмад Тошкўпризода. Аш-Шақоик ан-нуъмуня. – Б. 16-21.

¹⁶ Gilliot C. Theology // History of civilization of Central Asia. – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – V. IV. – P. II. – P. 128.

¹⁷ Madelung W. al-Taftāzānī // Encyclopaedia of Islam (Second Edition). – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – V. IV. – P. II. – 117-131 p.

¹⁸ Абдулҳаким ибн Шамсуддин Муҳаммад Сиялкутий Ҳиндий. Таълиқот ало Ҳошия ал-Хаёлий. – Истанбул: 1235/1820 (Нашриёти кўрсатилмаган). – 392 б.

¹⁹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид / Таҳрир ва таълиқлар муаллифи: Доктор Абдурахмон Умайра. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1998. – Ж. V. – Б. 231-232.

²⁰ Малик Аҳмад ибн Малик Пир Муҳаммад Форуқий. Ҳашият ала Шарҳ ал-Илаҳиёт ва ас-Самъиёт ли Ал-Мақосид. – Кембридж: Хоутон кутубхонаси. – Қўлёзма. № 4156.

мотуридия таълимотига оид илмий мероси таҳлил этилган. Бу даврда каломга оид асар битган маҳаллий мутафаккирлардан еттитаси аниқланиб, уларнинг жами ўн иккита асари атрофлича ўрганилди. Уларнинг учтаси – “матн”, тўрттаси – “далилли раддия”, бештаси – “шарҳ” туркумига мансуб. Жумладан, Шамсуддин Муҳаммад ибн Ашраф Самарқандий (ваф. 702/1303), Абулбаракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий (620-710/1223-1311) ва Садрушшариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий (ваф. 747/1346) каби олимлар бир пайтнинг ўзида ақоид илмига оид “матн” услубида асар ёзиб, уни ўзлари шарҳ қилганлар. Бу эса, ўша даврда муайян муаллиф томонидан “матн” услубида асар ёзиб, уни ўзи шарҳлаш шаклланишига далолат қилади. Зеро, Саъдуддин Тафтазоний ижодида ҳам бу ҳолатнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Мазкур асарларнинг баъзилари шу юртда битилган бўлса, бир қисми мовароуннахрлик олимларнинг турли диёрларга сафарлари давомида ўша минтақаларда мавжуд муаммоларга ва адашган оқимлар қарашларига раддия сифатида ёзилган. Хусусан, Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий (ваф. 747/1346) “Таъдил ал-улум фи-л-калом” номли асарини шу минтақада ёзган эди. Чунончи, унинг табақот ва тарожим манбаларида ақоид илмига оид мазкур китоби ҳақида маълумот келтирилган. Аммо, тадқиқот давомида олимнинг ўзи мазкур асарига алоҳида шарҳ ёзганлиги ҳам аниқланиб, Берлин Давлат кутубхонаси Ланбдерг фондида 758/1357 йили шогирди томонидан кўчирилган ноёб қадимий нусхаси топилди²¹. Шунингдек, ҳанафий мазҳаби таниқли олими, Нақшбандия тариқати шайхи Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий (749-823/1348-1420) ҳам “Эътиқодот” асарини шу ҳудудда таълиф қилган. У ушбу рисолаи Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннахрдаги баъзи гумроҳлар, яъни ўз ҳавои нафсига берилган ва бидъатчи кимсаларга раддия сифатида ёзганлигини таъкидлаб, Аллоҳ таолодан мазкур шаҳар ва минтақа аҳолиси ҳамда барча мусулмонларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг суннатида давомли бўлишларини, гуноҳ ишлар қилмасликларини, адашганларнинг бидъатлари ва ёмонликларидан сақлашини сўраб, дуо қилган²².

Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий (779-841/1377-1438) Тафтазонийнинг шогирди бўлиб, у каломга оид “Рисола фи-л-эътиқод”, “Фодиҳа ал-мулҳидин ва носиха ал-мувахҳидин”, “Мулжима ал-мужассима” каби асарларни ёзган. Жумладан, олим “Мулжима ал-мужассима” асари муқаддимасида 832/1428-1429 йили Бағдодга борганини ва у ерда Абулаббос Аҳмад ибн Абдулҳалим (661-728/1263-1328) нинг нотўғри қарашлари тарқалиб, унинг ўзи ва унга эргашганлар ҳам тўғри йўлдан адашганини ҳикоя қилган. Шу туфайли, ушбу китобини Ибн Таймия қарашларига раддия сифатида битганлигини таъкидлайди²³. Буларнинг барчаси мотуридия

²¹ Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий. Шарҳ Таъдил ал-улум. – Берлин: Берлин Давлат кутубхонаси Ланбдерг фонди. – Қўлёзма. № 394. – 501 в.

²² Қаранг. Абулфатҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз Бухорий. Эътиқодот. – Т.: Абу Райхон ал-Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фонди. – Қўлёзма. № 3844/3. – 35^б-56^б в.

²³ Қаранг. Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ҳанафий. Мулжимату-л-мужассимат. – Байрут: Дор аз-захоир, 2013. – Б. 35-37.

таълимоти пайдо бўлган минтақада мазкур даврда ҳам алоҳида илмий мактаб бўлганлигига ишора қилади.

“Саъдуддин Тафтазонийнинг каломга оид асарлари манбашунослик таҳлили”, деб номланган иккинчи боб учта параграфдан ташкил топган. Иккинчи бобнинг “Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти ва илмий мероси”, деб номланган биринчи параграфида, Саъдуддин Тафтазоний ҳаёти ва ёзма мероси манбалар асосида таҳлил этилди. Алломанинг тўлиқ исми Масъуд ибн Қози Фахруддин Умар ибн Мавло Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн Имом Раббоний Шамсулҳаққ Шамсуддин Қорий Самарқандий Ҳаравий Тафтазоний Хуросоний Ҳанафий бўлиб²⁴, у Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) шаҳридаги Тафтазон қишлоғида, зиёли оилада туғилган. Алломанинг куняси “Абу Саъид” бўлиб²⁵, у нафақат ислом оламида “аш-Шайх Саъдуддин”²⁶, “Саъд ал-имом ал-аллома ал-фақиҳ ал-адиб ал-ҳанафий” (ҳанафий фақиҳ адиб олимлари имомининг бахтлиси) ва “Олим ал-машрик” (шаркнинг олими), “Ҳабр ал-умма, шамс ал-аимма”(Уммат олими, имомлар кўеши)²⁷, “ал-Аллома ас-санний” (иккинчи аллома) каби номлар билан машҳур, балки ўзининг геометрия, математика, фалсафа, мантиқ, адабиёт каби аниқ ва гуманитар фанларга оид кўплаб қомусий асарлари билан жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган олим сифатида ҳам эътироф этилади.

Саъдуддин Тафтазонийнинг илмга бўлган қизиқиши ва ғайритабиий зеҳни зарбулмасалга айланиб, у бугунги кунгача мадраса ва устоз-шогирд таълим тизимида давом этиб келмоқда. Аллома бутун умри давомида турли ижимоий-сиёсий вазиятлар сабабли ва илм олиш мақсадида ҳам ўз даврининг илм ўчоқлари ҳисобланган шаҳарларда бўлиб, кўплаб таниқли олимлар қўлида таҳсил олган ва турли илмий анжуманларда бевосита иштирок этган. Зеро, алломанинг ўзи устозларини алоҳида зикр қилмаган бўлса-да, манбаларда у илм ўрганган: Азудуддин Абдурахмон Ийжий (680-756/1281-1355), Зиёуддин Қазвиний (ваф. 780/1378), Кутбуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Розий (694-766/1295-1365), Аҳмад Қусий (ваф. 803/1401), Мавлоно Баҳоуддин Самарқандий Ҳанафий, Носируддин Термизий, Алоуддин Сиғноқий, Баҳоуддин Ҳалвоний каби бир нечта олимларнинг исмлари келтирилган. Жумладан, у устози Азудуддин Ийжийнинг дарс халқасида таълим олганлиги ва унинг ғайритабиий қобилятини машҳур муаррих Шихабуддин Абдулхай Дамашкий ҳам таъкидлаб ўтган²⁸. Аллома Самарқандда ўн олти ёшида, 738/1338 йили дастлабки асари – Азудуддин Абдулваҳҳоб Занжоний (ваф.

²⁴ Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Ж. I. – Б. 190; Жамолуддин Юсуф ибн Туғро Бурда. Ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоиқ ал-қоамия, 2005. – Ж. XI. – Б. 241; Жамолуддин Юсуф ибн Туғро Бурда. Ал-Далил аш-шофий ала ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонижи, 1955. – Ж. II. – Б. 734; Такиййуддин Аҳмад ибн Али Макризий. Дурар ал-Уқуд ал-фарида. – Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий, 2002. – Ж. III. – Б. 471.

²⁵ Муҳаммад ибн Али Шавкони. Ал-Бадр ат-толий. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исломий, 1997. – Ж. II. – Б. 304.

²⁶ Шихобуддин Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Аскалоний. Ибна ал-ғумр би абна ал-умр. – Қоҳира: Дор ат-Таовун, 1969. – Ж. I. – Б. 389-390.

²⁷ Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мутоввал. – Бхупал: ал-Матбаа аш-Шоҳжоҳоний, 1311. – Б. 446.

²⁸ Шихабуддин Абдулхай ибн Аҳмад Дамашкий. Шазарот аз-Заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Дор ибн Касир, 1986. – Ж. VIII. – Б. 547-549.

392/1001) нинг араб тили грамматикасига оид “Ат-Тасриф” китобига шархни ёзган эди. Бундан у ёшлигиданоқ илм олишда илдамлаб, олим даражасига етганлиги аён бўлади.

Саъдуддин Тафтазонийнинг буюк олимлигини билган Амир Темур саройда фаолият юритиш учун уни икки бор таклиф қилган. Олим Ҳижоз сафарига отланаётганлиги боис биринчи таклифни ўзи рад қилган. Лекин Амир Темур иккинчи бор таклиф этганида Тафтазоний уни инкор қила олмай, Самарқандга ташриф буюради. Шунингдек, машҳур ҳанафий олими Тақийуддин Тамимий “ат-Табақот ас-сания” асарида Амир Темурнинг алломага нисбатан ҳурмати ҳақидаги тарихий воқеани келтирган²⁹.

Саъдуддин Тафтазоний наҳв, сарф, маоний, баён, усул ал-фикҳ ҳамда фуруъ ал-фикҳ (ҳанафий ва шофий), мантиқ, ақида, тафсир ва бошқа илм соҳалари бўйича йирик олим бўлган. Тадқиқот давомида алломанинг жами 41 та асари борлиги аниқланиб, улар 12 та фан соҳасига таснифланди. Улардан 20 таси нашр этилган, 8 тасининг қўлёзма нусхалари топилди ва 10 таси аниқланмади. Ҳолбуки, бу маълумот алломада улардан бошқа китоблари йўқ, деган хулосани бермайди. Чунончи, мазкур асарлардан унинг араб, эски туркий ва форс тилларида илмий фаолият юритган буюк ҳанафий-мотуридия олими бўлгани маълум бўлади.

Иккинчи бобнинг “*Алломанинг калом илмига доир китоблари қўлёзмалари кодикологияси ва умумий мазмуни*”, деб аталган иккинчи параграфида Саъдуддин Тафтазонийнинг ақоид илмига оид асарларининг қўлёзмалари манбашунослик жиҳатидан ўрганилган. Олимнинг каломга оид 6 та китоби аниқланган бўлиб, уларни ёзилиш услубига кўра, иккига – “матн” ва “шарҳ”га таснифлаш мумкин. Хусусан, улардан “Шарҳ ал-Ақоид”, “Шарҳ ал-Мақосид” шарҳ услубида, “Мақосид ат-толибин”, “Ғоятү таҳзиб ал-калом” эса, матн услубида битилган. Аммо, тадқиқот жараёнида “Рисола фи таҳқиқ ал-имон” ва “ар-Рисола фи ал-калом” рисоласи топилмади. Чунончи, улар таълим муассасаларида бугунги кунгача асосий дарсликлар сифатида ўқитиб келинган. Буни машҳур француз исломшуноси, профессор К. Джиллиот ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган³⁰. Мазкур омиллар туфайли уларнинг қўлёзма нусхалари дунё бўйлаб кенг ёйилган.

Олимнинг ақоид илмига оид дастлабки асари “Шарҳ ал-Ақоид” бўлиб, у Абу Ҳафс Умар Насафий (461-537/1068-1142)нинг “ал-Ақоид” рисоласига ёзилган шарҳ ҳисобланади. Унинг ЎзРФАШИ Асосий фондида 89 та қўлёзмаси ва ЎзХИА Манбалар хазинаси фондида 11 та қўлёзмаси мавжудлиги аниқланди. Жумладан, бу ўринда ЎзРФАШИ Асосий фондида 4111/І ва 10683/І инвентарь рақамлари билан сақланаётган қўлёзмалар киритилди. “Ал-Ақоид”да 88 та ақидавий масала жамланган бўлиб, улар мавзулар бўйича бобларга ажратилмаган. Айни ҳолат мазкур шарҳда ҳам сақлаб қолинган. Аллома шарҳлаш асносида қўшимча қилган масалалардан

²⁹ Тақийуддин ибн Абдулқодир Тамимий Ҳанафий. Ат-Табақот ас-сания фи тарожим ал-хафия. – ар-Риёд: Дор ар-Рифоий, 1989. – Ж. I. – Б. 325-326.

³⁰ С. Gilliot. Theology // History of civilization of Central Asia. – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – V. IV. – P. II. – pp. 128-129.

шаръий илмлар ва далиллар таснифи, калом илмининг китобат қилиниш, тафсилий ва ижмолий имон, оддий инсонлар имони билан пайғамбарларнинг имони тенгми ёки йўқми, имоннинг махлуқ ёки махлуқ эмаслиги кабиларни келтириш мумкин. Асар усмонли турк, рус, инглиз ва урду каби бир нечта тилларга ўгирилиб, нашр этилган. Ушбу тадқиқот жараёнида, асарнинг қўлёзма ва баъзи нашрлари қиёсий таҳлилида ундаги айрим ақидавий масалалар ва жумлалар турли сабабларга кўра тушириб қолдирилганлиги аниқланди. Жумладан, унинг Усмонли империяси “Дор Саодат” расмий нашриётида 1317/1899 йилда чоп этилган нусхасидан “халифалик” масаласи олиб ташланган³¹. Бунга Усмонли султони Абдулхамид (1258-1336/1842-1918) ва араблар ўртасидаги инглизларнинг қутқуси билан юзага келган фитна сабаб бўлган³².

Алломанинг каломга оид иккинчи асари “Мақосид ат-толибин” бўлиб, тадқиқот давомида унинг 784/1382 йилда кўчирилган энг қадимий қўлёзмаси Сулаймония кутубхонаси Шаҳид Али Пошо фондида, 001729 инвентарь рақам остида сақланаётгани аниқланди. Бу ўринда унинг Принстон университети кутубхонасида 867Y инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзмаси тадқиқ этилди³³. Ундаги ақидавий масалалар “мақсад” номли муайян мантиқий кетма-кетликка асосланган ҳолда олтита бўлимга таснифланган бўлиб, улар “ал-мабадий” (асослар), “ал-умур ал-омма” (умумий масалалар), “аъроз” (акциденция), “жавҳар” (субстанция), “илоҳиёт” ва “самъиёт” каби аталган. Асар яқка ҳолда чоп этилмаган бўлиб, олим уни ёзишдан мақсади ҳақида “Мен калом мақсадларидан иборат ушбу мухтасарда ақллар тўғрилаган ва тушунчалар умумлаштирган энг сара нарсалар ҳақида сизларга хабар бермоқчиман. Шунингдек, мен ислом ақидаси қоидаларини осонлаштириб ёзмоқчиман”, деб таъкидлаган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг ақоид илмига оид учинчи асари – “Шарҳ ал-Мақосид” бўлиб, ўзининг “Мақосид ат-толибин” номли асарига ёзилган шарҳи ҳисобланади. Алломани ўз асарини шарҳлашга ундаган асл омил бу – ўша даврда ушбу соҳада билим даражасининг пасайиши бўлиб, буни унинг ўзи “Мен илмларнинг инқироzi, уларни қўллаб-қувватлашни камайтириш ва ўпирилиши сабабларига гувоҳ бўляпман”, деб таъкидлаган. Тадқиқот давомида унинг 784/1382 йилда кўчирилган энг қадимий қўлёзма нусхаси Юсуф Оғо кутубхонасида 004709 инвентарь рақам остида сақланаётгани ва ЎзРФАШИ Асосий фондида 2 та қўлёзмаси мавжудлиги аниқланди. Бу ўринда эса, ЎзРФАШИ Асосий фондида 2576 инвентарь рақам остида сақланаётган нусхаси тадқиқ қилинди. Шарҳда асл матндаги тартиб сақлаб қолинган бўлиб, фақат, унда ақидавий масалалар далиллар билан исботланган ва улар доирасида адашган оқимлар фикрлари таҳлил қилиниб, илмий асосда раддиялар берилган.

³¹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ Ақоид. – Истанбул: Дор Саодат, 1317/1899. – 91 б.

³² İslâm Ansiklopedisi. – İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı, 1988. – C. I. – S. 216-224.

³³ Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мақосид. – Нью Жерси: Принстон университети кутубхонаси. – Қўлёзма. № 867Y. – 108 в.

